1930 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН «ҚУЛОҚ ПОСЁЛКАЛАРИ»ДА ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИНГ АҲВОЛИ

М.Ғ. Абдуллаев

Мақолада қулоқлар сургун қилинган махсус посёлкаларда таълим тизимининг ташкил этилиши ва унинг умумий аҳволи ёритилган. Посёлкаларда сургун қилинганлар фарзандлари учун мактаблар тармоғининг барпо этилиши, мактаблардаги ўқув-тарбия ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларга оид маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: *қулоқлар сургуни, махсус посёлкалар, махсус кўчирилганлар, мактаблар тармоғи, ўқув-тарбиявий ишлар.*

В статье рассмотрены проблемы формирования образовательной системы в кулацких посёлках. Приведены сведения о развертывании школьной сети для детей спецпоселенцев, сущность учебно-воспитательной работы и деятельность культурно-просветительных учреждений.

Ключевые слова: *кулацкая ссылка, спецпосёлки, спецпоселенцы, школьная сеть, учебно-воспитательная работа.*

This article consideres problems of the formation of education system in kulak small villages. The given information about deployment of the school network for specially removed people's children, essence of scholastic-education work and activites of cultural-educational institutions.

Key words: *kulak, special villages, school network, scholastic-education work.*

1929 йил охирларида совет давлатида қишлоқ хўжалигини ёппасига коллективлаштириш сиёсати бошланиб, бутун мамлакатда бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам бадавлат, ўзига тўқ деҳқон хўжаликлари «қулоқ» деб топилиб, таъқиб остига олинди. «Қулоқ» хўжаликлари ихтиёридаги ер-сув, уй-жой ва бошқа мол-мулк тортиб олинди, ўзлари эса оиласи билан мамлакатнинг чекка ўлкаларига сургун қилинди. Мамлакатнинг чекка, ўзлаштирилмаган районларида сургун қилинганлар учун махсус посёлкалар ташкил қилинди. Махсус посёлкаларга сургун қилинганлар 1930 йилларда расмий ҳужжатларда «махсус кўчирилганлар», «меҳнат кўчкиндилари» деб аталди.

Қулоқ оилалари сургун қилинган махсус посёлкалар Ўзбекистоннинг айрим районларида ҳам ташкил қилинган эди. Бу посёлкалар, одатда, янги ўзлаштирилаётган, аҳоли деярли бўлмаган манзилларда ташкил этилган. Шу сабабли ҳам дастлабки йилларда сургун қилинганларнинг яшаш шароитлари ниҳоятда оғир бўлган.

Қулоқлар сургунининг илк йилларида махсус кўчирилганлар фарзандлари учун мактаб таълимини йўлга қўйиш ва маданий-маърифий ишлар олиб бориш масаласи деярли ҳал қилинмаган эди. 1930-1931 йилларда мамлакат бўйича сургун қилинганлар орасида ярим миллиондан ортиқ болалар бўлиб, асосий қисмини мактаб ёшидаги ўсмирлар ташкил қилган. Бироқ махсус кўчирилганлар фарзандлари 1930-1931 йилларда деярли ўқишга жалб этилмади.

1931 йил кузида Ўзбекистондаги махсус посёлкаларда мактаб таълими амал-тақал мослаштирилган биноларда номигагина ташкил қилинди. Зарур мактаб бинолари қурилиши эса жуда секинлик билан, қониқарсиз бормоқда эди. Бу даврда сургун қилинганлар фарзандларининг мактаб билан таъминланиши мамлакат бўйича ўртача 10 фоиз, айрим минтақаларда эса 5-6 фоиз эди, холос. Ўзбекистондаги махсус посёлкаларда 1931 йил охирларида мактаб ёшидаги болаларни ўқишга жалб этиш эндигина бошланган, 290 ўқувчиси бўлган фақат 3 та мактаб ишлаб турган. Саводсизликни тугатиш курсларига 1172 киши жалб қилинган, иккита посёлкада ясли ташкил қилинган бўлиб, уларда 145 та бола бўлган. Мавжуд мактабларда ўқитувчилар, миллий тиллардаги дарсликлар етишмаган [1.320].

ЎзССР Халқ Комиссарлари Советининг 1932 йил 2 апрелдаги «Махсус кўчирилганларнинг маданий-маиший ва санитария шароитларини яхшилаш тўғрисида»ги қарорида махсус посёлкаларда маданий-маиший муассасалар, хусусан, таълим-тарбия тизимини йўлга қўйиш юзасидан ҳам чора-тадбирлар белгиланди. Қарорда махсус кўчирилганларга маданий хизмат кўрсатишни ташкил этиш (болалар майдончалари барпо этиш, саводсизликни тугатиш курсларини очиш, 1-босқич мактаблари, клублар, кутубхоналар ташкил қилиш), уларни зарур ходимлар ва жиҳозлар билан таъминлаш вазифаси ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги, «Совхозхлопок» трести ва Ўрта Осиё меҳнат-тузатув лагерлари бошқармаси зиммасига юкланган [2.8].

ЎзССР ХКС қошидаги махсус комиссия 1932 йил май ойида тегишли ташкилотлар билан ҳамкорлик-

да ХКСнинг 1932 йил 2 апрелдаги қарори бўйича махсус посёлкаларда қурилиши лозим бўлган маданий-маърифий муассасалар режасини ишлаб чиққан. Режада мактабгача тарбия муассасаларини барпо этишга алоҳида эътибор қаратилган. Чунончи, 1932 йилнинг май ойигача мавжуд 7 та махсус посёлкада 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган 1150 нафар бола учун 7 та мактабгача тарбия муассасалари ва 16 та болалар майдончасини ташкил этиш кўзда тутилган [2.59]. Махсус посёлкалардаги таълим-тарбия муассасалари қурилиши режасида мактаб ёшидаги болалар техник станциялари, кутубхоналар ва болалар клублари ташкил этишга ҳам эътибор қаратилган.

Лекин махсус посёлкаларда таълим тизими ва маданий-маърифий ишларни йўлга қўйиш, хизмат кўрсатиш масалалари ҳукумат қарорида муддатлари белгиланганига қарамай, бу борадаги ишлар ҳам ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундаги камчиликлар ЎзССР ХКС Ижро комиссиясининг 1932 йил 3 ноябрдаги «Махсус кўчирилганларга маиший хизмат кўрсатиш ва таъминот тўғрисида» қарорида кўрсатиб ўтилган. Унда қайд қилинишича, махсус кўчирилганларга маданий-маиший хизмат кўрсатиш ва таъминотини йўлга қўйишга доир қатор қарор ва фармойишлар бўлишига қарамай, бу ишга масъул бўлган Таъминот Халқ комиссарлиги, Садвинтрест, Узсовхозхлопок ва Ўзбекбирлашув раҳбарлари бу масалага етарлича эътибор бермай келганлар. ХКС қарорида белгилаб берилган вазифаларнинг аксарияти бажарилмаган. Махсус кўчирилганлар орасида саводсизликни тугатиш ишлари ва оммавий ўқишни ташкил этиш ишлари 1932 йил ноябригача кун тартибига қўйилмаган, махсус посёлкаларда маданий-маърифий муассасалар (мактабгача тарбия ўчоқлари, клублар, кутубхона ва бошқалар) барпо этиш учун зарур маблағлар тегишли ташкилотлар томонидан ажратилмаган [2.83].

Махсус посёлкаларда таълим тизимини йўлга қўйиш ва ривожлантириш ишидаги асосий муаммолардан бири ўқитувчилар масаласи эди. Махсус кўчирилганлар фарзандларига аниқ мақсадга йўналтирилган таълим-тарбия бериш, яъни уларни «коммунистик руҳда тарбиялаш» учун ўқитувчиларга катта масъулият юкланар эди. Лекин махсус посёлкаларда миллий тилларда дарс ўтувчи ўқитувчилар етишмаслиги муаммога айланган. Шу боис аксарият посёлкаларда миллий тиллардаги дарсларни сургун қилинганларнинг ўзлари ўтганлар. 1932 йилда ўқитувчи кадрлар таркибидаги махсус кўчирилганлар турли минтақаларда 50 фоиздан 80 фоизгача миқдорни ташкил этарди. Жумладан, 1932 йилда Ўзбекистон ССРдаги махсус посёлкалар мактабларида 12 нафар махсус кўчирилган туркман тилида машғулот олиб борган [3.69]. Махсус посёлка мактабларидаги ўқитувчи кадрлар етишмаслиги кейинги йилларда ҳам давом этди.

СССР ХКС ва ВКП(б) МК 1935 йил 15 декабрда «Меҳнат посёлкаларидаги мактаблар тўғрисида» қарор қабул қилади [4.693-694]. Қарорда махсус кўчирилганлар фарзандларига таълим-тарбия бериш ишларига маориф комиссарликлари етарли эътибор бермаётгани, мактаблар ўқитувчи кадрлар билан, шунингдек, коммунист-комсомол кадрлар билан етарлича таъминланмагани айтиб ўтилди. Маориф Халқ комиссарлигига НКВД билан биргаликда бир ой ичида махсус посёлкаларда мактаб тармоғини талаб даражасида ривожлантириш, махсус кўчирилганлар фарзандларини умумий асослар бўйича таълимга тўла жалб этиш бўйича аниқ тадбирлар режасини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди. Маориф комиссарлигига икки ой ичида махсус посёлкалар мактабларини синовдан ўтган, ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлган ўқитувчи кадрлар билан тўла таъминлаш вазифаси қўйилди. ВЛКСМ Марказий Комитетига эса махсус посёлкаларда «болаларнинг сиёсий жиҳатдан тарбиясига эътибор берган ҳолда» пионер ташкилотларини мустаҳкамлаш бўйича тадбирлар олиб бориш, бу ишларни изчил йўлга қўйиш учун 100 нафар комсомол ходимни Маориф комиссарлиги ихтиёрига юбориш юклатилди [4.694].

ЎзССР ХКС Ижро комиссиясининг 1936 йил апрель ойида Маориф Халқ комиссарлигига юборган маърузаномасида Узсовхозхлопок, Узсадвинтрест тасарруфидаги аксарият совхозларда, хусусан, меҳнат посёлкалари жойлашган совхозларда маъмурият мактабларни мос бинолар билан таъминлаш борасида тегишли чора кўрмаётгани, мавжуд мактабларнинг моддий-техник базаси ўта ночор аҳволдалиги айтиб ўтилган. Чунончи, кўп жойларда мактаблар махсус биноларда эмас, балки яшаш учун мўлжалланган кичик уйларда, ҳатто баракларда очилган. Уларда ўқув жараёнини ташкил этиш учун энг оддий шароит ҳам бўлмаган, хоналар ўта тор, қоронғи, полсиз ва зах бўлган. «Савай», Болтабоев номли, «Ҳазорбоғ» совхозларидаги мактаблар томи тўкилиб кетгани учун айрим пайтларда ўқиш тўхтаб ҳам қолган. Зарур бинолар йўқлиги учун мактабдан ташқари тадбирлар ташкил қилинмаган [5.36].

Мактаб учун зарур бинолар йўқлигидан «Боёвут» совхозида 250 нафар, Болтабоев номли совхозда 136 нафар бола ўқишга жалб этилмаган. Аксарият мактаблар ёқилғи билан таъминланмагани учун ўқитувчилар иш вақтида ғўзапоя йиғиштириш билан машғул бўлганлар. Мактабларда ўқитувчи ва ходимлар учун ёрдамчи хоналар етишмаган [5.36].

Махсус посёлкалар мактабларидаги шарт-шароитларнинг ночорлиги маҳаллий совхозлар маъмурияти ва ишчи-ходимларининг шикоят-аризаларида ҳам ўз аксини топган. Жумладан, Жалақудуқ районидаги «Савай» совхози врачи Иваненконинг 1935 йил сентябрь ойида Маориф комиссарлигига йўллаган далолатномасида совхоздаги тўлиқ-

сиз ўрта мактабдаги умумий аҳвол баён қилинган. Далолатномада ёзилишича, бу мактаб 10 та кичик хонадан иборат баракда ташкил қилинган. Хоналар ўқувчиларга ётоқхона вазифасини ҳам бажарган. Мактабда қўшимча машғулот хоналари, тозалик ва ечиниш хоналари бўлмаган. Хоналар қиш мавсумида қисман иситилган, деразаларга ойна яхши ўрнатилмагани учун ундан чанг ва ёмғир кириб турган. Ёмғир ёққан пайтда шифтдан лойқа оқиб турган. Хоналар совуқлигидан ўқувчилар устки кийимларини ечмасдан ўқиганлар [5.74].

Мактабнинг юқори синфлари учун фақат битта ўқитувчи хизмат кўрсатган, ўқувчилар ўқув кунининг кўп қисмини машғулотсиз ўтказганлар. Ётоқхона вазифасини бажарган кичик хоналар ҳажми ва тозалиги бўйича энг оддий санитария-гигиена талабларига ҳам жавоб бермаган. Ҳатто битта каравотга иккитадан бола жойлаштирилган. Ўтин йўқлиги боис мактаб ва ётоқхона қайноқ сув билан таъминланмаган. Ўқувчилар ва ўқитувчилар орасида касалланиш юқори даражада бўлган. Ўқув парталари етишмаган ёки улар жуда катталигидан мавжуд хоналарга сиғмайди. Шу сабабли битта партада 4-5 тадан ўқувчи ўтирган, айрим ўқувчилар дераза токчасида ўтириб ўқиган [5.74].

ЎзССР Маориф Халқ Комиссарлиги СССР ХКС ва ВКП(б) МКнинг 1935 йил 15 декабрдаги «Меҳнат посёлкаларидаги мактаблар тўғрисида» қароридан келиб чиқиб, 1936 йил 14 июнда №850-сонли буйруқ чиқарган. Унда республикадаги меҳнат посёлкаларида юқоридаги қарорда кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш ва белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан тегишли районлар маориф бўлимларига кўрсатмалар берилган. Буйруқда меҳнат посёлкалари мактабларини малакали ўқитувчилар ва ўқув жиҳозлари билан етарлича таъминлаш, меҳнат кўчкиндилари орасидан танланган ўқитувчиларни алмаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилган. Жумладан, мавжуд меҳнат посёлкаларига қўшимча равишда 21 та ўқитувчи ажратиш, 32 нафар меҳнат кўчкинди ўқитувчиларни (ўзбек, туркман, ингуш, чечен, қорачой, кабарда, абхаз, болқор, осетин тилларида дарс ўтаётган) бошқаларига, яъни эркин фуқаро бўлган ўқитувчиларга алмаштириш ҳақида кўрсатма берилган [5.44-45].

Маориф комиссарлигининг 1936 йил 11 июлдаги №1273 сонли буйруғида меҳнат посёлкаларидаги мактаблар фаолияти ва саводсизликни тугатиш ишлари ўта қониқарсиз ҳолатда экани таъкидланиб (ҳолат махсус текширувда аниқланган), мавжуд аҳволни яхшилаш бўйича кўрсатмалар берилган. Меҳнат посёлкалари жойлашган Денов, Ховос, Икромов, Оққўрғон, Қуйи Чирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Калинин, Булунғур, Бекобод, Жалақудуқ, Учқўрғон, Избоскан районлари маориф бўлими мудирларига меҳнат посёлкаларидаги 8-14 ёшдаги болаларни мактаб таълимига тўла жалб қилинишини шахсан назорат қилишлари лозимлиги айтиб ўтилган.

Маориф бўлимларига НКВД Лагерлар бошқармаси билан ҳамкорликда 1937 йил охиригача посёлкаларнинг ўсмир аҳолиси ўртасида саводсизликни батамом тугатиш, бунинг учун 1936 йилда 2500 та саводсиз ва 1500 та қуйи саводлиларни ўқитиш чораларини кўриш вазифаси қўйилган. Шунингдек, молия-режа бошқармасига 1937 йилда эҳтиёж даражасидаги мактаблар қурилиши режасини ишлаб чиқиш юклатилган [5.42].

1936 йилга келиб, мамлакат бўйича махсус меҳнат посёлкаларида 1500 дан ортиқ бошланғич, тўлиқсиз ўрта ва ўрта мактаблар қурилди ҳамда умумий етти йиллик таълимни жорий этиш амалга оширилди [4.718]. Умуман, қулоқлар сургун қилинган махсус посёлкаларда таълим-тарбия ишларини ташкил этиш, уни талаб даражасида йўлга қўйиш ишлари жуда қийинчиликлар билан кечди. Бу жараён узоқ давом этди ва 1937 йилга келибгина маълум бир тизимга солинди.

1938 йилда ЎзССР меҳнат посёлкаларида жами 13744 киши бўлган. Улардан катта ёшдагилардан 3402 нафари саводли, 1456 нафари қуйи саводли, 1137 нафари саводсиз бўлган. Бу йилда 853 киши саводсизликни тугатиш курсларида қатнашган [3.75]. Мавжуд барча меҳнат посёлкаларига 32 та клуб, 14 та кўчма киноқурилма хизмат кўрсатган. Шунингдек, 25 та кутубхона ҳам бўлиб, уларнинг китоб фонди 7542 та бўлган. 1938 йилда бу кутубхоналар хизматидан фақат 318 киши фойдаланган, холос. Барча меҳнат посёлкалари бўйича фақат 6 нафар маданият ходими хизмат кўрсатган [3.76].

Меҳнат посёлкаларида таълим-тарбия ишлари қониқарсизлигича қолаверган. Меҳнат посёлкалари жойлашган районларда «қулоқ»лар ва уларнинг фарзандларига таълим беришни ташкил қилиш учун комендатуралар томонидан меҳнат кўчкиндилари ойлик маошининг 2 фоизи маориф бўлимларига тўлаб турилган. Шунга қарамай, жойларда маориф бўлимлари меҳнат кўчкиндилари орасида саводсизликни тугатиш ва маданий-маърифий тадбирлар олиб боришга етарлича эътибор қаратмаган. Айниқса Янгийўл районидаги 4-комендатурада, Бекобод районидаги «Далварзин» совхози комендатурасида район маориф бўлимлари саводсизликни тугатиш бўйича ва посёлкаларда маданий-маърифий хизмат кўрсатиш борасида ҳеч қандай фаолият олиб бормаган. Сургун қилинганлар фарзандлари ўқитиладиган мактабларда дарсликлар, миллий ўқитувчилар етишмаган. Миллий тиллардаги адабиётлар, қўлланмалар етказиб беришга масъул бўлган Маориф халқ комиссарлиги бу масалага доимо бефарқ қараб келган. Шу сабабли ҳам баъзи ҳолларда бундай мақсадлар учун керакли жиҳозлар, китоблар комендатуралар томонидан сотиб олиниб фойдаланилган [3.97].

1938 йилнинг учинчи чорагида ЎзССР махсус посёлкаларида болаларга таълим бериш ҳолати қуйидагича эди:

Посёлкаларда 18 ёшгача бўлган болалар 5675 та бўлиб, улардан 1526 таси тўрт ёшгача, 836 таси 4-7, 1584 таси 8-11, 1198 таси 12-15, 531 таси 16-18 ёшгача бўлган. Кичик ёшдаги болаларнинг фақат 497 нафари болалар боғчасига берилган. Таълим ёшидаги болаларга 52 та бошланғич мактаб хизмат кўрсатиб, уларда 2255 нафар бола бўлган. Шунингдек, меҳнат посёлкалари болаларига 10 та тўлиқсиз ўрта ва 4 та ўрта мактаб ҳам хизмат кўрсатган. 1938 йилда тўлиқсиз ўрта мактабларда 562 киши, ўрта мактабларда 212 киши ўқиган. 30 нафар ўқувчи техникумларга юборилган. Умуман, 1938 йилда 3059 нафар бола таълимга жалб қилинган [3.52-55].

1940 йил бошларига келиб, махсус посёлкалардаги таълим тизими бирмунча такомиллашди, моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Сургун қилинган қулоқларнинг кўплаб фарзандлари бу даврга келиб ўрта, ўрта махсус мактабларни битира бошладилар ва олий ўқув юртларига ҳам кира бошладилар.

Умуман, совет ҳукуматининг марказий ва маҳаллий органлари, ОГПУ-НКВД, Маориф комиссарликлари 1930 йилларда ГУЛАГ махсус посёлкаларида таълим-тарбия соҳасида ўзига хос мақсадга йўналтирилган дастурни амалга оширдилар. Махсус посёлкалардаги таълим-тарбия тизимининг асосий йўналиши махсус кўчирилганлар фарзандларини «коммунистик мафкура руҳида тарбиялаш»га қаратилди.

Адабиётлар:

1. Трагедия среднеазиатского кишлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка 1929-1955 гг. Документы и материалы в 3-х томах.Т.2. / Сост.: Р.Т.Шамсутдинов, Б.М.Расулов; Под ред. Д.А.Алимовой. – Т.: Шарк, 2006.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат архиви (ЎзР МДА), 837-фонд, 26-рўйхат, 384-иш.

3. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги архиви (ЎзР ИИВА), 32-фонд, 1-рўйхат, 4-иш.

4. Политбюро и крестьянство: высылка, спецпоселение. 1930-1940. В 2 кн. Кн.1. /Отв. ред. Н.Н.Покровский. – М.: РОССПЭН, 2005.

5. ЎзР МДА, 94-фонд, 5-рўйхат, 1668-иш.

Андижон давлат университети,
2018 йил 3 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: т.ф.д. Б.Расулов)